


**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг улуғ эпосимиз — «Алпомиш» достонининг катта тўйини нишонлаш тўғрисидаги тарихий қарори халқ оғзаки ижодига, буюк меросга юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди. Ушбу қарорда «Алпомиш» достони аждодларимиз ижодий даҳосининг улкан бадиий ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари этник ижодиёти намуналари ичида муносиб ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.**

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қаҳрамони

# БУЮК ЭПОСГА МУНОСИБ ЭҲТИРОМ

Дарҳақиқат, мазкур эпос мустақил ривожланиш даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғониш, миллий ғурур ва ўз-ўзини англаш рамзига айланганиi рост. Қолаверса, достон тўйини нишонлаш ЮНЕСКОнинг 1999 йилдаги тадбирлари режасига киритилганлиги ҳам бежиз эмас. Ҳа, барча саъй-ҳаракатларимиз фольклор меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказишга қаратилгандир.

Шу боисдан ҳам бутун халқимиз, айниқса, биз, ижод аҳли — шоирлару адиблар, танқидчилару адабиётшунослар, хусусан, фольклоршуносларимиз катта ташкилий ва ижодий ишларни бошлаб юбордилар. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари халқимизнинг Алпомишдек суюкли ва ардоқли қаҳрамонига бағишлаб туркум шеърлар, балладалар, бадиий фильмлар, саҳна асарлари яратдилар ва яратмоқдалар. «Алпомиш»нинг юксак бадиияти, унда акс этган миллий ва умумбашарий қадриятлар, достоннинг ҳозирги ёшлар маънавияти, маърифати ва ахлоқ-одобида тутган ўрни каби қатор масалалар бўйича илмий, ижодий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ана шу китобларга жойлардаги Алпомиш авлодларининг ҳомийликни ўз зиммаларига олиб, саховатпешалик кўрсатаётганликлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Муҳтарам газетхонларга маълумки, республика Ёзувчилар уюшмасининг фаол аъзоларидан бир гуруҳи фидойи алпомишшунос ва алпомишхонлар билан ҳамкорликда уч йўналиш ва уч босқичдан иборат «Алпомишни излаб...» халқаро мунтазам илмий сафарини ташкил қилган эди.

Алпомишшуносликда муҳим воқеа бўлган бу сафарни Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси қўллаб-қувватлади ва бевосита раҳбарлик қилди, унга уюшманинг вилоятлардаги бўлимлари ҳам астойдил қўшилди ҳамда ўз маънавий ва моддий ёрдамларини аямади.

Мазкур халқаро илмий сафарнинг биринчи — «Алпомиш Ватани» деб тан олинган қадимий Сурхондарё, қолаверса, Қашқадарё воҳаси йўналишида олиб борилган дастлабки изланишларда қўлга киритилган ноёб материаллар асосида фольклоршунослар — профессор Малик Муродов ва доцент Абдуолим Эргашевлар «Алпомишнома» туркумига кирувчи 1-китобни — «Сурхондарё талқини»ни яратдилар ва бу китоб «Меҳнат» нашриётида мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллик тўйи арафасида босмадан чиқди ва тўйга туҳфа этилди. Ушбу китобга Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари корпорациясининг Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Шароф Рашидов номли дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти (раҳбари Омонполвон Бекназаров) ҳомийлик қилганлиги ғоят диққатга сазовордир.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, хайрли мақсадлар кўзда тутилиб, ўз вақтида ташкил қилинган «Алпомишни излаб...» сафари фанга, хусусан, фольклоршунослигимизга жуда кўп янгиликлар берди. «Алпомишнома»нинг «Сурхондарё талқини»да бой ва бетакрор ўзбек халқ ижоди, жумладан, Жанубий Ўзбекистон фольклорининг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган, аммо элимиз бағрида асрлар давомида етилиб, санъаткор, зукко бахши-шоирларимиз тили ва дилида яшаб келаётган «жонли» саҳифаларни излаб топишга ва уларни ўқишга, ёзиб олиб, олтин фондни тўлдиришга муваффақ бўлгани бот-бот таъкидланади. Айниқса, мазкур китобда Жанубий Ўзбекистон ҳудудида «Алпомиш» эпоси бир қанча мустақил достонлардан ташкил топган мукаммал биографик туркум эканлиги инкишоф этилади. Ваҳоланки, биз шу кунга қадар Алпомиш ҳақидаги «Алпомиш» ва унинг фарзанди Ёдгор ҳақидаги «Ёдгор» достонларини ҳамда уларнинг бир нечта вариантларинигина билардик, холос.




Маълум бўлишича, ана шу туркумни ташкил этган «Бева Барчин ёхуд Барчин Бекач» (айтувчи: Қаҳҳор бахши Қодир ўғли), «Ёдгор» (икки вариантда, айтувчилар: Чори бахши Умир ўғли ва Қаҳҳор бахши Қодир ўғли); «Йўлчибек ёхуд Худоёр» (Алпомишнинг Товкаойдан бўлган иккинчи ўғли ҳақида), айтувчи: Чори бахши Умир ўғли), «Шомурод» (Ёдгорнинг қайнотаси, айтувчи: Чори бахши Умир ўғли), «Хурсаной» (Ёдгорнинг синглиси, айтувчи: Чори бахши Умир ўғли) «Қўнғир ёки Бойсари» (айтувчи: Қора бахши Умир ўғли) каби бир нечта мустақил достонлар борлиги, улар бахшилар репертуарида жонли анъаналарда ижро этиб келинаётганлиги илк бор аниқланган. Шунингдек, «Алпомиш» достони қаҳрамонлари билан боғлиқ ва фақат Сурхондарё воҳасидагина учрайдиган жой номлари, жўғрофий атамалар, юздан ортиқ ранг-баранг нақл ва ривоятлар, афсоналар, сафар тафсилотлари «Кундалик», «Тундалик» ва «Йўл битиклари» шаклида китобга муҳрланган. Энг муҳими — унда умуман илм-фан, хусусан, тарих ва халқ педагогикасига, адабиётимиз ва санъатимиз, фольклорларимиз ва этнографиямизга оид бебаҳо манбалар, халқимиз маънавияти, маърифати ва ахлоқий-руҳий тарбиясига доир маълумотлар ўз тажассумини топган. Шунингдек, китобда «Шеробод достончилик мактаби», «Бойсун (Кофрун) достончилик мактаби», «Шерна шогирдлари», «Шерназар Бердиназар ўғлининг оилавий бахшилик шажараси», «Мардонақул Авлиёқул ўғлининг устоз-шогирдлик шажараси», «Умир Сафар ўғлининг устоз-шогирдлик шажараси», «Қодир бахшининг устоз-шогирдлик шажараси», «Қодир бахши сув ичган дарёлар» каби ўндан ортиқ бахши-шоирлар шажараларининг берилиши ҳам катта меҳнат, теран илмий изланишлар самарасидир.

Мамлакатимизда маънавият, маърифат ва мафкурага жуда катта эътибор кўрсатилаётган, халқимиз, хусусан, зиёлиларимиз бу даъватга астойдил жавоб бераётган бир пайтда «Алпомишнома» китобининг дунё юзини кўриши алоҳида аҳамият касб этади. Зотан, унинг назарий ва амалий самараси ҳам ана шунда.

Хуллас, «Алпомишнома»нинг биринчи китоби — «Сурхондарё талқини» халқимизнинг бадиий тафаккури бўлган «Алпомиш» достонини ўрганишга бир ёқлама ёндошиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Эндиликда унинг ўнлаб вариантлари чоп қилиниб, достон қатларидаги ўзбекона ориятни, фикрлашни, оила шаъни, халқ бирлиги, Ватан тақдири учун курашчанлик ғояларини ва бошқа кўплаб ибратли жиҳатларни тарғибу ташвиқ қилиш вақти етди. Бу — миллий ва руҳий қадриятларимизга, тарихимизга, бугунимиз, келажагимизга умид-ишонч билан қараш гаровидир.

# ПОЛВОНЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАРИ

Туркия пойтахти Анқара шаҳрида кураш бўйича жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Унда 55 мамлакатдан энг кучли спортчилар иштирок этди.

Чемпионат жуда қизиқарли, муросасиз кураш билан ўтди. Ўзбекистонлик спортчилар бу мусобақада эркин кураш бўйича икки медални қўлга киритдилар: Адҳам Очилов кумуш медал, Рамил Исломов эса бронза медали билан тақдирланди.

(ЎзА)

СПОРТ

# ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Гулистонда мукофот жамғармаси 10 минг АҚШ долларига тенг бўлган халқаро «Фьючерс» теннис турнири якунланди.

Сирдарёлик ишқибозлар бир ҳафта мобайнида 13 давлатдан ташриф буюрган катта ракетка усталарининг муросасиз беллашувларини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

Якка беллашувларда финалга ўзбекистонлик Дмитрий Томашевич ва белоруссиялик Александр Швецлар йўлланма олишди. Бу учрашувда омад белоруссиялик спортчига кулиб боқди.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**Сиз СКВни тежашни, ўз маҳсулотингизни қадоқлаб берадиган ишончли шерикка эга бўлишни истасангиз, «SANOATQALINQOGOZSAVDO» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига мурожаат этинг.**

**У ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ:**

| | |
|---|---|
| 3 ва 5 қатламли гофрокартондан тайёрланган қутилар | -Ҳар хил мақсадларга мўлжалланган, турли ҳажмда, рангли босмада ва рангсиз, шу жумладан, рангли ва рангсиз босма босилган |
| Гофрокартон | - икки, уч ва беш қатламли |
| Қоғоз | ўраш учун, зичлиги 125/160 гр/м² |
| Картон | зичлиги 175 дан 350 гр/м². қалинлиги 0,45 дан 0,600 мм. папка, ҳужжатлар тўплами ва ўраш учун |
| Гофрокартондан тайёрланган лотоклар | - сабзавот, мева ва озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш учун, рангли босмада |
| Муқовабоп картон | қалинлиги 0,5-2,0 мм |
| Толали плиталар (ДВП) | Мебель саноати ва уй-жой қурилиши учун |
| Картон ва гофрокартондан тайёрланган турли хил буюмлар | Халқ истеъмол моллари учун |
| Босма шакллари (клише) | Картон, гофрокартон ва бошқа қадоқлаш материалларига флексографика усулида босма босиш учун. |
| Буюртмани бажариш муддати: | - босмасиз ишлар учун 3-5 кун<br>- босмали ишлар учун 7-10 кун |

**ДОИМИЙ ВА ЙИРИК ХАРИДОРЛАРГА ЮК ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ОРТИБ БЕРИЛАДИ.**



**ШАРТНОМА ТУЗИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:**

Манзил: 702500, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Гулбоғ кўрғони.
Телефонлар : (37166) 34-452, 37-405, 22-420.
Телефакс: (37166) 26-651, телетайп: 116648. Картон.
Тошкентдаги ваколатхона (3712) 41-81-24, 144-10-78
Самарқанд ш. (3662) 35-42-41
Фарғона ш. (3732) 24-42-13

1532


*(Газетанинг навбатдаги сони 15-октябр жума куни чиқади).*





# Радио алоқа тизимлари
## бепул эфир

Тел.: (3712) 78-54-70; 78-41-07;
Факс: 78-05-03.

LL@2081



**Консультация-аудиторлик ва ахборот хизмати кўрсатиш бўйича**

**«Консаудитинформ» агентлиги**



**қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларини, вазирликларни, уюшмаларни, концернларни, банкларни, қўшма корхоналарни ва барча хоҳловчиларни ўзбек ва рус тилларида чоп этилаётган «Информационный бюллетень» (рынка ценных бумаг) ва «Обзор финансового рынка Узбекистана» нашрларига 2000 йилга обуна қилиш бошланганлигини маълум қилади. Обуна муддати фақат 01. 01. 2000 йилгача.**

*Обуна баҳоси:*

1. *Ҳар ойда «Информационный бюллетень» бир йилга:*
   *-шахсий обуначилар учун қиммати 5400 сўм*
   *-корхоналар учун қиммати 10800 сўм.*
2. *Ҳар чоракда «Обзор финансового рынка Узбекистана» бир йилга:*
   *-шахсий обуначилар учун 1900 сўм*
   *-корхоналар учун 3800 сўм.*

2200

*Қўшимча маълумотлар учун телефон рақамлари ва манзилгоҳ:*
*Тошкент ш. Бухоро кўчаси 6-уй. (Код 8. 371) 132-03-99; 132- 01- 92; 136-30-80 ф.*

Р.С.П.-2200



**EXPO Italia 99**

**1999 йил 21-25 октябр**

# «ЭКСПО ИТАЛИЯ — 99» кўргазмаси

**120 дан зиёд Италия фирмалари илк бор Ўзбекистонда намойиш этадилар:**

- **Технология ва ускуналар:**
  *-тўқимачилик саноати;*
  *-кийим тикиш;*
  *-тош,мармар, гранитга ишлов бериш;*
  *-агросаноат сектори;*
  *-озиқ-овқат саноати;*
  *-ўраш ва қадоқлаш;*
  *-хизмат кўрсатиш соҳалари учун.*
- **Қурилиш ва бошқа тармоқлар учун резина, ПВХ, алюминийдан тайёрланган маҳсулотлар.**
- **Уй-рўзғор буюмлари:**
  *-мебель;*
  *-тайёр кийимлар;*
  *-сопол буюмлар;*
  *-ошхона анжомлари;*
  *-тилладан ясалган буюмлар.*

**Ташкилотчилар: «Интерэкспо» компанияси ЎзР ТИАВ ва Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ёрдамида.**

*Кўргазмага хуш келибсиз!*

*Манзилимиз: Тошкент ш., Амир Темир кўч., 107 «Ўзэкспомарказ» РСКМ, 1-павильон*

*Иш вақти:*
*1999 й. 21.10. 11.00. дан 18.00.гача*
*1999 й. 25.10. 10.00. дан 18.00.гача*

LL@2203


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг жамоаси масъул ходим Дониёр Бўронович Бегимқуловга акаси **Қамбар БЕГИМҚУЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми жамоаси ва касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги **Абдуали ҒАНИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри жамоаси шу театр директори Абдушукур Шомуротовга укаси **Бахтиёр ШОМУРОТОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги жамоаси, Республика меҳнаткаш-муҳожирлар ишлари бўйича ваколатхона директори Аҳмаджон Муҳаммаджоновга ўғли **Жамшид МУҲАММАДЖОНОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
Аббосхон
**УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 0820, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — А. ЖЎРАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 23.10*
1 2 3 4 5 6